

T

TEATR

2009/3

ADABIY-BADIIY, AXBOROT-REKLAMA JURNALI



TEATR



ADABIY-BADIIY, AXBOROT-REKLAMA JURNALI
МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,
«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

Журнал
1999 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
0027-сонли гувоҳномаси билан рўйхатга олинган

УШБУ СОНДА:

Ҳ. Икромов. Уфқларни кўзлаган жамоа	2	Э. Усмонов. Саҳнага муҳаббат	30
А. Жузимбетов. «Алпомиш»нинг қайтиши	6	Ю. Муродов. Ўйнаб ўтинг шаббодалар... ..	33
О. Усмонов. Фулом Зафарий ва театр	8	М.Наимов. «Афандизода»	35
Т. Мирзо. «Паблик Рилейшнз» — театр ҳамроҳи.....	10	Б. Раҳимов, Р. Болтабоев. Қаландар дўнмас ихтироси	37
М. Исломулов. Санъатнинг юки оғир.....	11	Д. Сулонова. Сувд раққосалари либослари.....	38
О. Тожибоева. Театрлар ҳамдўстлиги	14	М. Жалилов. Танбурни «сайратган» созанда ..	39
Т.Тўла. Биллур жилвалар	16	Ў. Шокиров. Серкирра санъаткор эди.....	40
М.Комилжонов. Кутлур даргоҳ	18	М. Хожиматова. Сўз санъати масъулияти	41
Р. Досметова. Ўзбек «Музик — холлпи»: парвоз ва ..	20	А. Амонов. Устоз санъаткор	42
М. Акмалжоннова. Умр мазмуни	22	Н. Қодиров. Иккинчи умр	44
М. Орипов. Халқ ижодиёти поезди	24	А. Тилолов. Доирага ҳамоҳанг умр	45
М. Муҳамедов. Товстонагов мактаби сабоқлари.....	26	А. Умаров. Хурсанойнинг бахти	46
Р. Ражабов. Сирдарё театри намоёниш этади.....	28	С. Аҳмад. Карнай (ҳажвий ҳикоя)	48

БОШ МУҲАРРИР ЎТКИР ҲОШИМОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Рустам АБДУЛЛАЕВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Усмон АЗИМ
Нажматдин АНСАТБОЕВ
Сирожиддин АҲМЕДОВ
Анвар ЖАББОРОВ
Тоир ИСЛОМОВ
Мамажон РАҲМОНОВ
Омонулла РИЗАЕВ
Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВ
Бахтиёр ТЎРАЕВ
Мухсин ҚОДИРОВ
Усмон ҚОРАБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ:

Эркин УСМОНОВ
масъул котиб
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
бўлим муҳаррири
Азизбек ТИЛОВОВ
мусаххих
Мухаррам ЯКУБЖАНОВА
дизайнер-рассом
Зухра АҲРОРОВА
матн терувчи
«Ўзбектеатр» ИИЧБ архиви ва
Раҳмонбек ИСЛОМОВ,
Ҳакимжон СОЛИХОВ
Коопл РОМЕЕВ
фотохонадан фойдаланилади

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент – 700047,
Мирзо Улуғбек тумани,
Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 49-уй
Тел: 233-13-98, 232-23-76.
E-mail: uzteatr@bk.ru
Формати 60x84 1/8.
Шартли ҳисоб табоғи 6,0
Адади 1000 нусха
Босишга руҳсат этилди:
18. 06. 2009 й.
№ 219 буюртма
Сотувда эркин нархда

Оригинал макет «Театр» журналида тайёрланиб, «MAXIGRAF PLUS» МЧЖ нинг матбаа бўлимида
офсет усулида чоп этилди.

(Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 20^А даха 42 - уй)

Журнал матбавасига оид эътирозлар бўлса, юқоридаги манзилга мурожаат қилинсан.
Муаллифнинг фикри таҳририят фикридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган материаллар қайтарибмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Театр» журналидан олингани кўрсатилиши шарт.

ҒУЛОМ ЗАФАРИЙ ВА ТЕАТР



Ўтган асрнинг бошларида Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг ҳосиласи бўлган профессионал ўзбек театри ривожланиши билан театршунослик ҳам шакллана борди. Дастлаб «Ойна» ва «Алисрох» каби журналларда «Театру бизга керакми?» кабилидаги баҳслардан бошланган ушбу соҳа бора-бора санъатшуносликнинг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Ўзбек театри ҳақида биринчилардан бўлиб матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил баён қилган рус театр танқидчиларидан бири Б.А.Пестовский эди. Унинг 1922 йил «Иккилоб» журналининг 3-4 сонларида босилган «Ўзбек театри тарихи» мақоласи уша даврдаги ўзбек театри ҳақидаги тасаввуримизнинг бойишига ёрдам беради. Муаллиф мазкур мақоласида таъкидлашча, у ўзбек театрининг наз намояндalarидан бўлган Ғулом Зафарий, Абдулла Бадрий, Маннон Уйғур, Муҳиддин Қориеқубов, Абдулхамид Сулаймон — Чулпонлар билан яқиндан суҳбат қилган. Муаллиф анча қимматли маълумотларни бериш билан бирга ўзбек ва умуман Шарқ театри тарихи, шаклланиш манбалари ҳақида бирмунча мунозарали фикрларни баён қилган. Чунончи, «Мусулмон театри бошқаларга нисбатан яқиндагина дунёга келди, айниқса, ўзбек театри ўзининг 10 ёшини ҳам яшаган эмасдир... Ул тургидан-тўғри рус театрининг таъсири оқша ушла», деб ёзган ва унинг бундай фикрлари кўп ўзбек шайхларининг эътирозларига сабаб бўлган. Ўзбек шайхлари матбуот орқали имкон даражасида маданиятнинг тарихини турли қимметлиларидан ҳимоя қилиб келганлар.

«Иккилоб» журналининг уша йилги 6-сонига босилган «Ривож» ижодий мақола ҳам Пестовский мақоласига эътибор тарафида ёзилган. У Пестовскийнинг юқорида келтирилган даражаларини кескин рад қилган. «Билим уноғи» журналининг 1923 йил 2-3 сонларида босилган Ғулом Зафарийнинг «Чигатой — ўзбек халқ театруси» мақоласи эса унинг таъкидлаши, ишбот ва таъкидлари, бойлиги билан ажралиб туради. Ғулом Зафарий Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида «Чигатой» ўзбек халқ театри, хусусан, театр тарихини қўқиб қўйган ва кўпчилик

ҳақида бой материаллар тўплаб, халқ оғзаки драмаларидан баъзиларини ёзиб олган эди. «Чигатой — ўзбек халқ театруси» мақоласи шу материаллар асосида ва юқорида айтиб ўтилган баҳслар муносабати билан ёзилган. Муаллифнинг таъкидлашча, ўзбекларда театр қадимдан мавжуд бўлиб, фақат у «ҳозиргача «театру» деб аталмай, «томоша» деб аталиб, элнинг кизикчи, ўйинчилари томонидан сайлларда, тўйларда, гапларда ва катта йиғинларда кўбрак эрмак (танқид) йўли ила, баъзан ўртак бўлатурғон томошалар тарзида кўйилуб, китоб ҳолида ёзилғон бўлмай, ўйинчилар томонидан тузулиб, ёдаки сақланғон. Шулар томошалар ўзбекларнинг илгариги тараққийсига кўб ёрдам берган».

Б.А.Пестовский мақоласида ўзи тан олиб айтгандек, ўзбек тилини яхши билмаган. У халқимизнинг масхарабозлик, кизикчилик ва бошқа шакллардаги театри ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган. Холбуки, Марказий Осиё ҳудудида яшовчи халқларда қадимдан ўзига хос театр мавжуд бўлган. Унинг Европа қабиллидаги театрдан фарқи махсус бинога эга бўлмаганлиги ва драмаларининг оғзаки шаклда сақланганлиги эди. Бу театр халқ маданий тараққийсининг турли даврларида турлича қисматга эга бўлган, баъзан юксалган, баъзан эса унутилаёзган.

Рус, татар, озарбайжон театри анъаналарининг таъсирини унутмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, фольклор, айниқса, халқ театрида тўплаган ижодий тажрибалар янги мушлагаи ўзбек театрининг шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлган. Илк ўзбек драматурглари ўз пьесаларини яратишда анъанавий халқ театри ижодий тажрибалари, ақиябозлик, кизикчилик, кўғирчоқбозлик, масхарабозлик, эрмакчилик, достончилик, қушиқчилик санъатидаги драмага хос элементлардан кенг фойдаланганлар. Хусусан, Ғулом За-



фарий ижоди ҳам бунга мисол бўла олади. У дostonчилик, эртакчилик, кўпикчилик ва маросим фольклори элементларини ўз асарларни сюжетига мохирона равишда сингдириб юборган.

Фулом Зафарий театр танкидчиси сифатида ўзбек сахнасига беадаб томошалар, беҳаё қилиқ ва ҳаракатларнинг кнриб келишига қарши курашган. Худди шундай томошалар ўтмишда халқнинг нафратига дучор бўлган. Натижада хўлу қуруқ баробар ёниб, ибратли томошаларнинг ҳам халқ орасида обрўйи тушиб кетган. Бундан фойдаланган баъзи бир жоҳил, муттасиб уламолар ҳар қандай томошанинг қўйилишига қарши турганлар.

Ўтмишда ўзбек театрининг барқ уриб ривожланмаганлиги сабабини Фулом Зафарий шундай изоҳлайди: «Бори томоша ва ўйинларнинг яхши йўлга қўйилмағонига сабаб, юқорида айтилгонича, уламолар бўлган. Ислоом динининг бўш ўйинкулгулардан қайтарғонини қурол қилиб, томошаларнинг фойдали эканлиги тушунмай ёки тушунсалар ҳам ўзларига эргаштирмакка қизиқиб қайтаришлари зўр монё бўлган».

Муаллиф ушбу мақоласида ўзбек халқ театри кўп асрлик тарихга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб, унинг келиб чиқиши, тараққиёт, босқичлари, миллий хусусиятлари ва атоқли намоёндалари ҳақида мухтасар маълумотлар берган ҳамда мақолага ўз фикрларининг исботи сифатида халқ киникларининг оғзидан ёзиб олган «Мактанчоқ киши», «Эр ва хотин» оғзаки драмаларининг матнини ҳам илова қилган ва ушбу дандилар асосида қуйидаги хулосага келган: «... Томоша (театр)лар тўғрисида оврупалиларнинг «ўзбеклар биздан кўриб билдилар» деган даъволари ўз-ўзидан йўқга чиқса ҳам, «қўғирчоқ ўйини Шарққа Оврупадан 15-асрдан бошлаб ўтди» деган давосига жавоб беришга кучим етмай-дур. Бул тўғрисида билувчи кишилар бўлса, матбуотда ёзиб кўрсатмакларин ўтунар эдим».

Фулом Зафарийнинг «Чигатой-ўзбек халқ театруси» мақоласи маданиятимиз тарихини ўрганишга катта ҳисса бўлиб қўшилган. У ўпа даврдаги «ўзбеклар маданиятни, жумладан, театрни европаликлардан ўрганди» кабилидаги нотўғри қарашларга жиддий зарба берган.

Фулом Зафарий Туркистонда пайдо бўлган Европа усулидаги янги театр ҳақида ҳам маҳсус мақола ёзди. Ушбу мақола «Ўзбек театру тарихи» сарлавҳаси остида 1924 йили «Ўзгаришчи ёшлар» журналининг иккинчи сонида эълон қилинган. Мақолада замонавий театрининг пайдо бўлиши ва шаклланиш омиллари, учраган тўсиқлари ҳақида сўз юритилади. Бунда Фулом Зафарий асосан Тошкентдаги театрчилик ҳаракати ва «Турон» труппаси фаолияти асосида мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, янги усулдаги театрининг пайдо бўлишига ўзбек театри тараққиётида янги давр очган. Янги типдаги театрининг пайдо бўлишига рус, татар, озарбайжон театрларининг таъсири ҳам катта бўлган. Янги типдаги театрининг шаклланиши ва ривожланишида тараққийпарвар ўзбек ёшлари ўта фидойилик кўрсатганлар. Чор маъмурлари ва муттасиб кимсалар уларга қарши турли фитналар уюштирганлар, уларни «падарқуш» деб атаганлар, аммо тараққийпарвар ёшлар ўз йўлларидан чекилмаганлар. Натижада, ўзбек театри қисқа муддатда муайян бадиий юксакликка эришган. Унинг бу мавқега эришишига эса маърифатпарвар театр танкидчиси Фулом Зафарий ҳам ўз хиссасини қўшгани аниқ.

ВИЛОЯТ ТЕАТРЛАРИДА

«БЕДАВОЛАР»

Халқда бир доно нақл бор: «Дардни яширсанг — иситмаси ошқор қилади». Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) ва унинг бугунги оқибатлари ҳақида шундай дейиш мумкил. 80-йиллар бошларида пайдо бўлган бу бедаво дарднинг давоси, мана қарийб 30 йилки, топилмади. Ниҳояси, ўлим билан туговчи бу хасталик ҳақида аҳолининг етарли маълумотга эга эмаслиги, масъул кишиларнинг ҳушёрликни қўлдан бериши бундан-да, оғир оқибатларга олиб келиши табиий.

Драматург Тўлқин Муҳиддиннинг «Бедаволар» деб номланган драматик фожиаси ана шу ҳақда бонг уради. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишалик сингари иллатлар домига ботган Рита, Суръат, Холида, Адолат ҳамда улар сафини камайтириш учун курашга отланган профессор, журналист ва бошқаларнинг тақдири мазкур фожа асосини ташкил этади.

Бу асарни Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театрида таниқли режиссёр Қаҳрамон Саъдуллаев сахнага олиб чиқди. Асар тақдимотига бағишланган маросимда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг профессори, таниқли театршунос олим Тоир Исломов, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб-чиқариш бирилшмасининг етакчи мутахассиси, драматург Хайитмат Расул, шоир ва драматург Абдулла Жаббор, муаллиф Тўлқин Муҳиддин ва бошқалар асарда кўтарилган долзарб муаммонинг спектаклдаги талқини хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Айниқса, Профессор (Махмуджон Мусабоев), Маъди Маъдиевич (Авазбек Қодиров), Мария (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Расулова), бош врач (Бахтиёр Жалилов), Адолат (Асила Давлатова), Холида (Дилдора Ахмедова), журналист (Нурилло Хўжамбердиев), доктор (Қаҳрамон Абдуваҳобов), Рита (Наргиза Умарова) ролларини киёмига етказиб ижро этган актёрларнинг ижро маҳорати хусусида илик фикрлар билдирилди.

Асар премьераси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» доирасида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан театрда ўтказилаётган «Театрга ташир» тадбири иштирокчилари — Косонсой, Янгиқўрғон, Поч, Мингбулоқ туманлари фаолларига намоиш этилди.

Лутфиддин ҒАФҒОРОВ
Театрнинг адабий эмакдоши